

ЯПОНИЯ МАДАНИЯТ ОМИЛИ АСОСИДА ДАВЛАТ ИЖОБИЙ ИМИЖИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.8091772>

КАСИМОВА Зилола

Сиёсий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), ТДШУ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада глобаллашув жараёнларининг Япония маданий дипломатиясига таъсири ва унинг асосида давлат ижобий имижини шакллантириши концепцияси кўрсатиб берилган. Замонавий шароитда давлатнинг халқаро алоқалар тизимидағи ўрни ва нуфузи нафақат иқтисодий ва ҳарбий ресурслари, сиёсий институтларнинг ривожланиши даражаси билан балки, маданий салоҳияти билан ҳам белгиланади. Чунки маданият давлатнинг нафақат ички маданий сиёсати балки, ташқи маданий сиёсатининг ҳам муҳим хусусиятини акс эттиради. Дунёда ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олган, лекин миллий ўзлигини йўқотмаган Япония, ўз тарихий тараққиёти давомида гарб цивилизацияси ютуқларидан баҳраманд бўлиши билан бирга, ўз миллий маданий қадриятлари ва анъаналарини сақлаб қолишига муваффақ бўлди. Япония, Гарб цивилизациясига хос кўплаб хусусиятларни ўзида мужассам этиб, ривожланган жамиятни шакллантирган бўлишига қарамай, гарбона жамиятдан нусха олмади. Бу, ўз навбатида, японларнинг доимо тарихий жараён узлуксизлигини, анъаналарга содиқлик ва ворисийликни таъминлашига қаратилган интилиши билан боғлиқ. Улар томонидан ўзлаштирилган барча янгиликлар маҳаллий ҳаёт реаликларига уйғунлаштирилди. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган буюк давлат сифатида Япония халқаро ҳамжамият эришган ютуқларидан моҳирона фойдаланди.

Калим сўзлар: маданий дипломатия, имиж, глобализация, глокализация, гибридлик.

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается влияние процессов глобализации на японскую культурную дипломатию и основанное на ней концепция формирования положительного имиджа государства. В современных условиях положение и влияние государства в системе международных отношений определяется не только его экономическими и военными ресурсами, уровнем развития политических институтов, но и его культурным потенциалом. Потому что культура отражает не только внутреннюю культурную политику государства, но и важные черты внешней культурной политики. Япония, входящая в число развитых стран мира, но не утратившая своей национальной идентичности, в ходе своего исторического развития пользуясь достижениями западной цивилизации смогла сохранить свои национальные культурные ценности и традиции. Хотя Япония сформировала развитое общество, вовравшее в себя многие черты западной цивилизации, она не скопировала модель западного общества. Это, в свою очередь, связано с постоянным стремлением японцев сохранить свои исторические культурные ценности. Все приобретенные ими нововведения были адаптированы к реалиям местной жизни. Япония как великая экономически развитая страна умело использовала достижения мирового сообщества.

Ключевые слова: культурная дипломатия, имидж, глобализация, глокализация, гибридность

ABSTRACT

This article discusses the impact of globalization processes on Japanese cultural diplomacy and the concept of forming a positive image of the state based on it. In modern conditions, the position and influence of the state in the system of international relations is determined not only by its economic and military resources, the level of development of political institutions, but also by its cultural potential. Because culture reflects not only the internal cultural policy of the state, but also

important features of foreign cultural policy. Japan, which is one of the developed countries of the world, but has not lost its national identity, in the course of its historical development, using the achievements of Western civilization, has been able to maintain its national cultural values and traditions. Although Japan has formed a developed society that has absorbed many features of Western civilization, it has not copied the model of Western society. This, in turn, is due to the constant desire of the Japanese to preserve their historical cultural values. All the innovations they acquired were adapted to the realities of local life. Japan, as a great economically developed country, skillfully used the achievements of the world community.

Keywords: cultural diplomacy, image, globalization, glocalization, hybridity

Хозирги замон глобаллашув ва чегараларнинг шаффофлашиш даври бўлиб, ахборот-коммуникация технологиялари ва интернетнинг ривожланиши натижасида интеграция жараёнларининг кескин ошиб бораётганлиги билан характерланади. Шунинг учун ҳам “глобаллашув” ҳаётимизда кўп ва кенг маънода қўлланилаётган тушунчалардан бири бўлиб, куррамиздаги барча худудларга тегишли, бутун Ер шарини қамраб олувчи муносабат ва жараён сифатида тушунилади. Демак, глобаллашув тўхтати бўлмайдиган объектив жараёндир. Факат унинг имкониятларидан унумли фойдалана билиш лозим. Шундай сиёсатни йўлга қўйган мамалакатлардан бири Япониядир. Кунчиқар мамлакат – Японияни кўз ўнгимизда ўзгараётганига ҳаммамиз гувоҳмиз. Шубҳасиз, иқтисодиётда улкан ютуқларга эришган, замонавий технологияларда ва бошқа соҳаларда ҳам етакчилик қилаётган Япония, бугунга келиб, яна янги тармоқлар, йўналишларда ҳам ўз имкониятларини намоён қилмоқда.

XX асрнинг 90-йилларида бўлиб ўтган иқтисодий депрессия, Осиёдаги ривожланаётган мамлакатлар (Жанубий Корея, Хитойнинг) билан бозор иқтисодиётида рақобатнинг ошиши ва бошқа сабаблар Японияни дунё иқтисодиётида ўз мавқенини мустаҳкамлашига туртки бўлди. Бироқ у XXI асрда эришган ютуқларини сақлаб қолиш мақсадида дунё жараёнларига фаол равишда таъсирини ўтказиш учун ўз сиёсатини қайта кўриб чиқди. Япония глобаллашув жараёнларидан унумли фойдаланган ҳолда жаҳонда оммавий маданият соҳасини ривожлантириш орқали ўз маданиятини тан олинишига интила бошлади. Тадқиқотчилар М. Аллен ва Р. Сакамото: “Япониянинг замонавий оммавий маданияти глобаллашув билан иттифоқ тузишга муваффақ бўлди, шунинг учун жаҳоннинг барча бурчагида ўзининг иштирокини таъминлай олди”¹, деган фикрни илгари сурадилар.

Локализация – муайян фундаментал мафкура асосида этник ва цивилизацион умумиятларнинг ўзаро бирлиги бўлиб, у маданий ўзига хослик (айримлик, қўшилмаслик) сиёсатини олиб бориш билан боғлиқ. Глокализация – глобал+локал терминларидан ташкил топган бўлиб (*1-чизма*), “Sony” корпорациясининг раҳбари Акио Морита томонидан киритилган.

Бугунги кунда анъана ва инновацияларнинг уйғун ҳолда симбиозини қайта англаш япон маданиятшунослигига 雜種(zasshu) яъни гибридлик тушунчасининг келиб чиқишига сабаб бўлди. Бу тушунча япон маданиятининг туб моҳиятини очиб беради. Негаки, аввало, япон ижтимоий тафаккурида, тарихан ўзлаштирилган маданиятни самарали трансформация ва мослаштириш хусусияти шаклланган бўлиб, ҳар қандай янгилик анъананинг ажralmas қисми ва унга муқобил бўлмаган ҳодиса сифатида қараш қабул қилинган. Шу билан бирга, япон анъаналарининг ўзига хослиги шундан иборатки, инновацияларга мослашиш тафаккурнинг тубдан қайта қурилишини, эскининг янги куч билан сиқиб чиқарилишини эмас, бундай ўзлаштириш жараёни япон маданиятини тўлдириш, унинг анъаналарига уйғун ҳолда сингиб кетишини англатган.

Глокализация глобализациянинг энг кенг тарқалган кўринишидир. У кўпроқ универсал товарларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш соҳасида намоён бўлиб, минтақавий

¹ Allen M., Sakamoto R. Popular Culture, Globalization and Japan. – N.Y., 2007. – P. 12.


шаклларда локал бозор хусусиятлариға мослашиш билан боғлиқдир. У глобализация жараёнида ўзининг миллий маданий-цивилизацион ўзига хослигини сақлаб қолишга уринмоқда. Шу билан бирга, Япония ишлаб чиқаётган манга, анимэ, телесериал ва ҳ.к.лар орқали ўзининг японча миллий тимсолий тафаккурини бутун жаҳонда, хусусан, Осиё минтақасида кенг тарқалмоқда. Бу мамлакатнинг глобаллашув жараёнларида фаол иштирокининг исботидир.

Япон аналитиклари глобаллашув жараёнларида муҳимлик даражасига қараб, аввал иқтисодий, сўнгра маданий ва ундан кейин сиёсий соҳани қўядилар. Ҳақиқатдан ҳам, бугунги кунга келиб, маданият ҳар бир мамлакат ташки сиёсатининг муҳим таркибий қисмига айланди, “маданий дипломатия” тушунчаси шаклланди. Хусусан, сўнгги йилларда Япония бутун дунёда ўзининг оммавий маданият соҳасидаги ютуқлари билан жаҳон иқтисоди, маданиятига тобора кўпроқ кириб келаётганини кузатиш мумкин². Япония кўпгина бошқа мамлакатлар ҳаётининг деярли барча соҳаларида ўз техникавий ва ахборот технологиялари билан иштирок этмоқда.

Шуни яна бир бор таъкидлаб ўтиш жоизки, маданият иқтисодий ривожланишга ҳам, сиёсатга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Бугунги кунга келиб, жаҳонда япон маданиятининг бошқа мамлакатларга, хусусан АҚШга маданий индустряси – комикс, манга, анимацион фильмлар - анимэ, мода, таом тайёрлаш ва бошқа шаклларда жадал кириб бораётганилиги ҳакида кўплаб фикрлар билдирилмоқда. Ҳозирги пайтда бу жараён мультфильмларни трансляция килувчи каналлар аудиторияси доирасидан ташқарига чиқиб кетмоқда³.

Шундай қилиб, Япония миллий анъаналарнинг ўзлаштирилган янгиликлар билан уйғуллашган ҳолда маданий трансформация жараёнини кузатиш мумкин. Япония ўз миллий анъаналари ва Ғарб қадриятларини ўзига хос синтез қилиш тажрибасига эга бўлиб, глобаллашув унинг маданияти асосларига путур етказмай, у глобаллашув жараёнларидан ўз анъаналарини мустаҳкамлаш учун фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Бунга Япония интеллектуал элитаси томонидан бошқа мамлакатларнинг йўлини такрорламаган ҳолда, глобаллашув жараёнларига кириб боришининг ижтимоий, давлат, глобал нормаларининг эгилувчанлиги, қадрият ва маъноларнинг уйғуллашвиғо ясига асосланган ўзига хос йўлини топишга йўналтирилган маданий сиёсатининг шакллантирилганлиги туфайли эришмоқда.

1-чизма



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. Allen M., Sakamoto R. Popular Culture, Globalization and Japan. – N.Y., 2007. – P. 12.
2. 片倉真琴. 他化成と強化製. 日本人の異文化の重要を廻って。発行所: 日本研究 京都。2007年。19—78ページ
3. Катасонова Е. Япония: “культурная глобализация” или “глобализация”//Азия и Африка сегодня. – 2008. – №9. – С. 67.
4. Business Week. Japanese culture today. 2004.07.26 – P. 14.

² Катасонова Е. Япония: “культурная глобализация” или “глобализация”//Азия и Африка сегодня. – 2008. – №9. – С. 67.

³ Business Week. Japanese culture today. 2004.07.26 – P. 14.